

# Куч – адолатда

Адл ила олам юзин обод қил!

2023 йил  
1 декабрь,  
жума  
№ 50 (980)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

● <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИГА ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президентли Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 30 ноябрь куни амалий ташири билан Дубай шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни БАА энергетика ва инфратузилма вазири Сухайл ал-Мазруий кутиб олди.

1 декабрь куни давлатимиз раҳбари БМТнинг Иқлим ўзгаришлари бўйича конференциясида ишти-

рок этади ҳамда ушбу глобал саммит ялпи сессиясида нутқ сўзлайди.

Тадбир кун тартибидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси асосий қоидаларини амалга ошириш, бугун-

ги экологик таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, “яшил” тараққиёт мақсад ва вазифаларини илгари суришда кенг ҳамкорлик масалалари ўрин олган.

ЎЗА

## РАМ АЕР: БМТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА ПАРЛАМЕНТЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Рам Аер Ўзбекистон мана шундай глобал форумлар ўтказиш бўйича ташаббус билан чиққани ва уларни муваффақиятли ўтказиётганини эътироф этди.

– Бундан икки йил олдин Самарқандда ўтказилган илк

форумда муҳим ташаббуслар илгари сурилиши билан бир қаторда ўтган даврда уларни ҳаётга татбиқ этиш, парламентларaro ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди, – деди Р.Аер. – Муҳими, парламентлар БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқаришда фаоллик

кўрсатаётди. Бугунги иккинчи глобал форум иштирокчилари ўз фаолиятлари давомида амалга ошираётган ишлари ҳақида маълумотлар бериш билан бирга ўзарo тажриба алмашиш имконига эга бўлди. Таълим тизими самардорлигини ошириш, айниқса, инклюзив таълимга эътибор, камбағалликка барҳам бериш

бўйича муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Буларни амалга ошириш одамлар манфаатига хизмат қилади. Мана шундай хайрли мақсадларни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Таълим ривожидида нанотехнологиялардан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири

## ● Парламент фаолияти

### Қонунчиликдаги янгиликлар



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

### ЭКОЛОГИК ҲОЛАТ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Мамлакатимизда атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш ҳамда санитария ва экологик ҳолатни яхшилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ қурилиш, ишлаб чиқариш ва урбанизация кўламининг кенгайиши атроф-табиий муҳитни ифлослантирув-

чи моддалар чиқарилишининг кескин ортишига сабаб бўлмоқда. Шу боис атроф-табиий муҳитнинг меъёрдан ортиқ даражада ифлосланишининг олдини олиш мақсадида табиатга зарарли таъсир кўрсатаётган объектлар фаолиятини чеклаш ва тўхтатиб қўйиш меzonларини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

## Оқлов

Фарғона шаҳрида яшовчи Азимжон Ашуров Бош қомусимиз — Конституциямиз қабул қилинганининг 31 йиллик айёмини қўшалoқ байрам сифатида нишонлайдиган бўлди. Чунки яқинда А.Ашуровни узoқ йиллар мобайнида қийнаб келган муаммо адолатли ечим топди.



Ислоҳотлар самараси туфайли ноҳақ судланган божхона ходими оқланди

Азимжон Ашуров 1993 йил августдан 2005 йил апрель ойига қадар – қарийб 12 йил мобайнида Фарғона вилояти божхона бошқармасида турли лавозимларда фаолият юритган. Охириги пайтда у 8-сонли “Фарғона” божхона

пости бошлиғи лавозимида хизмат қилаётган эди.

Аммо 2004 йил ноябрь ойида А.Ашуровнинг бошига жиддий ташвиш тушади. Яъни унга нисбатан жиноят иши кўзғатилади.

(Давоми 2-бетда) ►

## Маданий тадбирлар

### МАЎНАВИЯТ — АДОЛАТ АСОСИ

Адолат ва маънавият – ўзарo чамбарчас боғлиқ тушунчалар ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди. Шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур.



Наманган вилояти суди томонидан ўтказилган маънавият ва маърифат тадбирларида ушбу тамойил ўзининг теран ифодасини топди.

Судьялар ва суд тизими ходимларининг маънавиятини янада юксалтириш мақсадида ташкил этилган тадбирларнинг бу галгиси Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон тўра Ибрoт мажмуасидан бошланди. Ўзбекистон Судьяла-

ри ассоциацияси раиси Убайдулла Мингбоев, суд фахрийлари, судья ва ходимлар Исҳоқхон тўра Ибрoт номидаги ихтисослаштирилган мактабда бўлиб, ушбу масканда яратилган шароитлар билан танишишди.

Шундан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда бир вақтнинг ўзидa учта йўналиш бўйича тадбирлар ўтказилди. Жумладан, Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси раиси Убайдулла Мингбоев, суд фахрийлари, судьялар ва ёшлар вакиллари иштирокида ўтказилган “Уч авлод учрашуви”да суд фахрийлари ўзларининг ҳаёт йўллари, бой тажрибалари ҳақида ёшларга сўзлаб беришди. Тадбир бугунги кунда суд идораларида фаолият юритаётган ёшлар ва эртанги истиқболини айни соҳада кўришни истаётган талабаларнинг саволлари, фикр-мулоҳазалари билан янада қизғин ўтди.

(Давоми 2-бетда) ►

## Қонун кўмаги

### Тадбиркорлик субъектлари ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Авалло шунинг таъкидлаш керакки, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 65-моддасида давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши белгиланган.

Ўз навбатида, Асосий қонунимизнинг 67-моддасида давлат қулай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини



таъминлаши, тадбиркорлар қонунчилиikka мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ва ўз фаолияти йўна-

лишларини мустақил равишда танлашга ҳақли экани қайд этилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, аҳолини спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, шаҳарсозлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

## ● Моҳият

### Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш

бу борадаги қонуний асослар янада такомиллаштирилмоқда



Янги тахрирдаги Конституциямизда миллий иқтисодиёт ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш, қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлиги ва меҳнат қилиш эркинлиги, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланган.

Жорий йил 30 апрелдан

кучга кирган янги тахрирдаги Меҳнат кодексига тадбиркорлар, жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларда ёлланиб ишлайдиган шахслар меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг бир қатор қоидалари мустаҳкамланди.

Бундай эътибор натижасида ҳозирда оилавий корхоналар сони 67 мингтадан ошди.

(Давоми 3-бетда) ►

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга муҳим ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар киритилди. Амалиётга Ярашув институтининг жорий этилгани, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун етказилган моддий зарар қоплангани учун айбдор шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг тайинланиши шулар жумласидандир.

## ■ Таҳлил ва таклиф

### ЖИНОЯТ қонунчилигини қўллаш:



Лекин шунга қарамай жиноят қонунчилигидаги айрим қоидаларни янада такомиллаштириш зарурати мавжуд.


Аниқроқ айтганда, ушбу қоидаларни янги тахрирдаги Конституциямизнинг 29-моддасидаги “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан

муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимоялашиши ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади”, деган меъёрга уйғунлаштириш зарур.

(Давоми 3-бетда) ►

## ■ Тарих тилсимлари

### Беруний Американи қандай кашф этган?



Маълумки, Америка қитъасини машҳур сайёҳ Христофор Колумбдан анча аввалроқ буюк аجدодимиз Абу Райҳон Беруний кашф этгани ҳақида кўп ўқиган ва эшитганмиз. Хўш, аслида буюк аждодимиз Американи қандай тарзда кашф этган? Ушбу буюк кашфийёт ниямаларга асосланган?

(Давоми 4-бетда) ►

## Парламент фаолияти

## Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**  
**“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасида қонун ҳужжатларига атроф-табiiй муҳитни меъёрдан ортиқ даражада

ифлослантирувчи корхоналар, ташкилотлар, иншоотлар ва бошқа объектлар фаолиятини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклашни ҳамда тўхтатиб туришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

## ЖАВОБГАРЛИК ЕНГИЛЛАШТИРИЛМОҚДА



Туризм соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар туристик инфратузилманинг ривожланиши ва яхшилланиши, туристлар учун қўшимча қулайликлар яратилиши, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ошишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, барқарор туризм ривожини тобора жадаллаштириш мамлакатнинг туристик жозибдорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бар-тароф этишни тақозо этади.

Шу ўринда айтиш керакки, учувчисиз учадиган аппаратлар мамлакатимиз ҳудудига олиб кирилиши чекланган товарлар тоифасига қиради. Уларни юртимиз ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш, шунингдек, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш учун жиноий

жавобгарлик белгиланган бўлиб, бунда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

“**Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**”ги қонун лойиҳасида Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланишни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнига маъмурий жавобгарликни белгиловчи, ушбу ҳуқуқбузарликларни такрор содир этганлик учун жиноий жавобгарлик ҳамда чораларини енгиллаштирувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш назарда тутилмоқда.

## ПЕНСИЯЛАРНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ ОШИРИЛМОҚДА

Фуқароларга пенсия тайинлаш жараёнида инсон омилини камайтириш, кекса ёшдаги шахсларга давлат хизмати кўрсатилиши сифатини янада ошириш мақсадида “**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**”ги ҳамда “**Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида**”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш белгиланмоқда.



на интерактив давлат хизматлари портали орқали пенсия тайинлаш учун мурожаат қилиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари пенсионер Пенсия жамғармаси томонидан “Халқ банки”га ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган маълумотлар асосида ўзига тегишли жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги тўловларни олиши мумкин.

## ЖАРИМА БАЛЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ



“**Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида**”ги қонун лойиҳасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, кўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлган шахс томонидан транспорт воситасини такроран бошқариш учун жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, транспорт воситаси ҳайдовчилари томонидан доимий равишда қоидабузарлик содир этганлик учун жарима балллари ҳисоблаш

тизимини жорий этиш белгиланмоқда. Яъни ҳисобланган жарима балллари бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолларда охириги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўшимча жазо таъқисада ҳайдовчини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибини жорий этиш тақлиф қилинмоқда.

Мазкур тартибга мувофиқ, ҳайдовчи бир йил давомида йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этиш йўли билан белгиланган миқдордаги жарима баллларини тўплаган тақдирда унга нисбатан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини судлар томонидан қўлланишини инобатга олиб, йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима балллари белгиланган миқдордан ошганлик учун маъмурий жазони жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўллаш тартиби тақлиф қилинмоқда.

## Қонун кўмаги



### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бундан ташқари тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва уларга имтиёзлар бериш бўйича қатор қонунлар ҳамда Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиб келинмоқда. Тадбиркорларга берилётган имтиёзлар, уларнинг қонуний ҳимояси ҳақида сўз борар экан, Президентимизнинг улар билан бевосита учрашиб, очиқ мулоқот қилаётганини ҳам эътироф этиш даркор.

Ушбу очиқ мулоқотларда давлатимиз раҳбари тадбиркорликни ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни белгилаб бериб, айна йўналишларнинг ҳар бири бўйича қўллаб ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, 2023 йил 18 августдаги учрашувда Президентимиз бу мулоқот арасида тадбиркорлардан 6 мингга яқин мурожаат келиб тушганини таъкидлади.

Мулоқотда 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солигини қайтаришда солиқ узилиши коэффицентини қўллаш амалиёти, яъни “tax-gap” бекор қилиниши қайд этилди.

Шунингдек, тадбиркорнинг солиқ идоралари билан боғлиқ барча низоларини ҳал этишни маъмурий суд ваколатига ўтказиш, тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилишидаги

ҳар қандай чекловларни олиб ташлаш, солиқ бўйича тадбиркорларга нисбатан даъво киритиш муддатининг 5 йилдан 3 йилга туширилиши, солиқ ёки кредит қарзини ундириш бўйича суд қарори чиқарилганида пеня ва фоизлар ҳисоблаш тўхтатилиши каби тадбиркорларга енгилликлар берилиши қайд этилди.

Бундан ташқари 2024 йил 1 январдан бошлаб бир-бирини такрорловчи ва эскирган ҳисоботлар тугатилиши, барча ҳисоботларни ягона электрон тизим орқали тақдим этиш йўлга қўйилиб, уларнинг қороз шакли бекор қилиниши ҳақида сўз юритилди.

Ўз-ўзидан аёнки, ушбу муҳим вазифаларнинг амалга оширилиши тадбиркорларга жуда кенг қулайликлар яратди. Улар ўз фаолиятини кенгайтириши ва ривожлантиришида муҳим омил бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистон нуфузини жаҳон миқёсида янада кўтарishi, унинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга қаратилган. Шу мақсадда барча соҳаларда, хусусан, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уни комплекс қўллаб-қувватлашнинг “ўзлуксиз заңжири”ни яратиш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Айниқса, юртимизда тадбиркорлик субъектларига яратиб берилётган

# Тадбиркорлик субъектлари қонун ҳимоясида

имкониятлар, имтиёз ва қулайликлар янги иш ўринларининг пайдо бўлиши, импорт ўрини босувчи маҳсулотлар билан маҳаллий бозорларнинг тўлиши ҳамда экспортбop маҳсулотларнинг сони ортиб, валюта тушумининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича кўрилатган чора-тадбирларнинг кўлами ва самарадорлиги нафақат мамлакатимиздаги инвестициявий фаолиқнинг ортиши, балки нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан берилётган муносиб баҳо билан ҳам ўз исботини топмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг сони 527,2 мингтани ташкил этиб, жорий йилнинг январь-октябрь ойларида 74.331 та янги кичик тадбиркорлик субъекти ташкил этилган. Бу ҳисобга фермер ва деҳқон хўжаликлари кирмайди, албатта.

Ана шу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имтиёз ва переференциялар натижа-сида мамлакатимизда уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, Президентимиз таъбири билан айтганда, суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши керак.

Шу мақсадда Тошкент вилояти суди томонидан ҳам адолатли ва қонуний суд ҳужжатларининг қабул қилиниши

тадбиркорлик субъектларининг судга бўлган ишончини янада оширмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида вил-оятдаги жиноят ишлари бўйича биринчи ва апелляция инстанцияси судларида 54 нафар шахс оқланган. Ана шу реабилитация қилинган шахслардан 12 нафари тадбиркорлардир. Уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланган.

Шунингдек, ушбу даврда иқтисодий судларга келиб тушган 25 414 та даъво аризасидан 23 977 таси иш юритишга қабул қилинган.

Биринчи инстанция судларида кўриб тамомланган 23.977 та иқтисодий ишларнинг 21.110 таси бўйича тадбиркорларнинг даъво талаби қаноатлантирилган, 1.881 таси бўйича рад қилинган, 806 таси кўрмасдан қолдирилган ва 180 таси бўйича иш юритиш тугатилган. Шу жумладан, 10 та иш бўйича тарафлар муроасага келтирилиб, ўзаро келишув битими тузилган ва ушбу битимлар суд томонидан тасдиқланган.

Ушбу ишларни кўриб чиқиш натижасига кўра, суд қарорлари асосида даъвогар тадбиркорлар фойдасига жами 1,6 триллион сўм миқдоридаги қарздорлик ва моддий зарар суммаларини ундириш белгиланган.

Албатта, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти кафолатли ҳимоя қилиниши фаровон ҳаётимизнинг муҳим омилидир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлар қанча кўп бўлса, улар янада кўпроқ даромад кўрса, давлатимиз ҳам шунча бой бўлади. Шикоятли, ишбилармон, ташаббускор ва фидойи тадбиркорларимиз сафи кенгайишдан барчамиз бирдек манфаатдормиз.

**Дилшод ТАДЖИБАЕВ,**

*Тошкент вилояти суди раиси*

## Маданий тадбирлар

# МАЪНАВИЯТ — АДОЛАТ АСОСИ



циямизнинг мазмун-моҳияти, ундаги ўзгартиришлар бўйича “Конституция дарси”ни ўти-лиши Исоҳонғон тўра Ибрat номидagi чет тиллари ин-ститутда бўлиб ўтди. Унда Наманган вилояти судининг судьялари олийгоҳ талаба-ларига янгилаган Конститу-

йўналишидаги янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Тадбирда иштирок этган ҳар бир талабага Кон-ституция матни тарқатилиб, уларнинг Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилди.

Бир-бирига ҳамоҳанг тарз-

да ўтказилган тадбирлар яку-нида таълим муассасалари ва фахрий меҳмонларга ки-тоблар жамланмаси совға қи-линди.

Шундан сўн маънавият ва маърифат тадбирлари ишти-рокчилари Ибрat музейдаги ўтмишдан сўзловчи экспонат-

лар билан танишишди.

Наманган туризм масканла-ри, тарихий ёдгорликлар, мод-дий-маданий мерос объек-тларига бой бўлган замин сифатида ном қозонган. Ах-сикент ёдгорлиги ана шундай қадим тамаддунлар туташган маскандир. Суд тизими хо-димлари мазкур мажмуада бўлиб, бу ерда ташкил этилган очиқ осмон остидаги музейни кўздан кечиришди.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топти-ришда маданий мерос, мил-лий ва тарихий анъаналар, умуминсоний қадриятларнинг ўрни беқиёс. Наманган вилоя-ти суди томонидан ташкил этилган маънавият ва маъри-фат тадбирлари ана шу эзгу мақсадга қаратилгани билан эътиборга молик.

**Баҳодир МЎМИНОВ,**  
*Наманган вилояти суди ахборот хизмати раҳбари*

## Оқлов

# Ислохотлар

қўзғатилган. Суднинг юқоридаги ҳуки-мига биноан Азим Ашуров Жиноят ко-дексининг 205-моддаси 2-қисми “а,в” бандлари, 208-моддаси, 209-модда-си 1-қисми ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2004 йил 1 декабрдаги “Ўзе-кистон Республикаси Конституция-си қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги фармонига мувофиқ жазодан озод қилинган.

Айтиш керакки, ўша пайтда суд-нинг ҳуқимга нисбатан Қувасой шаҳар прокурори томонидан протест келтирилган. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2005 йил 4 апрелдаги апелляция ажрими би-лан суд ҳукми ўзгартирилиб, А.Ашу-ровнинг айбловидан Жиноят кодек-сининг 208-моддаси, 209-моддаси 1-қисми ва 209-моддаси 2-қисми “а” банди олиб ташланган. Яъни у ре-аблитация қилиниб, жиноят ишининг шу қисмлари ҳаракатдан тугатилган.

Аммо Азим Ашуров ўша пайтдан буён бир неча маротаба айбсизли-гини исботловчи далилларни тақдим қилган ҳолда жиноят ишлари бўй-ича Фарғона вилоят суди ҳамда Олий судга шикоят билан мурожаат этган.

на ходимларига фақатгина Д.Абду-паттаевни топширган бўлса-да, Азим Ашуров ва Фахриддин Мадамино-в рўйхатга олиш тўғрисидаги китобга 344.000 сўмлик 1680 кути тамакини Д.Абдупаттаевга, 37-рақам остида қолган 315.000 сўмлик маҳсулотлар-ни Анвар Дадабоевга тегишли экани тўғрисида сохта ёзувлар киритган.

Натижада Д.Абдупаттаев Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодек-сининг 227-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлиқни содир эт-гани хусусида сохта ҳужжатлар тузи-либ, судга юборилган. Бу ҳаракатла-ри билан улар Давлатёр Абдупаттаев содир этган жиноятни яширишган.

Бундан ташқари 8-сонли “Фарғона” божхона постидаги ҳуқуқбузарлик-ларни қайд этиш китобида фуқаро-лар Х.Исматуллаева, М.Ширмонова, К.Раҳимбердиев, С.Мамаसाидова, М.Назирова ва И.Жамоловага нисба-тан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар судга юборилиб, ҳуқуқбу-зарлар жарима жазосига тортил-ган ҳамда далилий ашёлар давлат фойдасига мусодара қилингани қайд этилган. Бироқ фуқароларга нисба-тан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид маъмурий материаллар А.Ашуров-нинг топшириғига асосан Ф.Мада-миновнинг шахсий автомашинасида сақлаб келинган.

Қисқаси, ушбу ҳолатлар бўйича терговга қадар текширув ҳаракат-лари олиб борилиб, А.Ашуров ва Ф. Мадаминовга нисбатан жиноят иши

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ҳўш, унинг айби нимада эди? Жиноят ишлари бўйича Қувасой шаҳар судининг 2005 йил 28 фев-ралдаги ҳукмида қайд этилишича, 2003 йил 25 декабрь кўни ҳуқуқбузар Р.Келдибеков (исм-шарифлар ўзгар-тирилган) 156.860 сўмлик идish-to-воқларни божхона назоратини чет-лаб, айланма йўллар орқали қўшни Қирғизистондан Фарғона тумани орқали мамлакатимизга олиб кира-ётганда, Модил қишлоғида божхона инспектори Равшан Ўрмонов томони-дан ушланган ҳамда божхона катта суриштирувчиси Фахриддин Мада-миновга қонуний ҳал қилиш учун топ-ширилган.

Ўз навбатида, Ф.Мадаминов ҳам-касби Р.Ғойбердиев номидан ҳуқуқбу-зарга нисбатан баённома тузган. Ле-кин божхона маскани бошлиғи Азим Ашуров ва Ф.Мадаминов ҳуқуқбузар-лиқни қайд этиш китобида киритиш ҳамда маъмурий ҳужжатларни қо-нуний ҳал қилиш учун тегишли идорага жўнатиш ўрнига ҳеч қандай ҳужжат-ни расмийлаштирмаган.

Шунингдек, 2004 йил 25 март кўни Давлатёр Абдупаттаев ўзининг “М-412” русумли автомашинасида қўшни республикадан 659.000 сўмлик тама-ки маҳсулотларини мамлакатимизга олиб кираётган пайтда “5-Навкент” чегара пости ходимлари томонидан ушланган ва қонуний чора кўриш учун “Фарғона” божхона постига топ-ширилган. Гарчи чегарачилар божхо-

## ● Моҳият

# Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## БУ БОРАДАГИ ҚОНУНИЙ АСОСЛАР ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Яна бир муҳим янгилик: Президент Фармони билан қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга экспорт ҳажмидан келиб чиқиб 2 йилгача бўлган муддатга 3 миллион долларгача молиявий ресурслар ажратилиши белгиланди. Бунда 2025 йил 1 январгача қадоклаш ва этикеткалаш маҳсулотлари божхона божидан озод этилиши кўзда тутилди.

Тўқимачилик саноати ҳам янги молиявий қўллаб-қувватлаш пакетига эга бўлди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, тадбиркорларнинг харажатлари қисқариши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми орттиришга асос бўлади.

Оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, спорт-таълим ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тартиби жорий этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қайтадан кўриб чиқиш зарурияти юзга келган.

Шу боис Олий Мажлис Сенатининг қирқ еттинчи ялпи мажлисида **“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қо-

нун сенаторлар томонидан маъқулланди. Ушбу қонун билан “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонун, Божхона ҳамда Шаҳарсозлик кодекслариға ўзгариш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

Хусусан, **“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”**ги қонунга юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектларига беш нафаргача доимий ишчини ёллаб, улар билан меҳнат шартномаси тузишга рухсат берилмоқда. Амалдаги қонуннинг 3-моддасида тадбиркорлик субъектларига уч нафаргача доимий ишчи ёллаш мумкинлиги қайд этилган.

Амалдаги қонуннинг 5-моддасидан “Бир оилавий қорхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий қорхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас” деган қоида чиқаришмоқда. Шунингдек, “оила бошлиғи” тушунчаси “эр, хотин” деб ўзгаририлмоқда.

Мазкур ўзгаришлар киритиши натижасида:

**биринчидан**, аҳолининг бандлиги ошиши, шу тарзда ёлланган ишчилар даромад қилиши, меҳнат стажы юри-тишли таъминланади ҳамда келгусида мазкур шахслар олган даромади ва меҳнат стажы инобатга олинган ҳолда пенсия таъминоти ҳуқуқи-га эга бўлади;

**иккинчидан**, оилавий тадбиркорлик муносабатларида



аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланади;

**учинчидан**, янги тахрирдаги Конституциямизнинг 67-моддасида белгиланган тадбиркорларнинг қонунчи-эмас” деган қоида чиқаришмоқда. Шунингдек, “оила бошлиғи” тушунчаси “эр, хотин” деб ўзгаририлмоқда. Мазкур ўзгаришлар киритиши натижасида:

**биринчидан**, аҳолининг бандлиги ошиши, шу тарзда ёлланган ишчилар даромад қилиши, меҳнат стажы юри-тишли таъминланади ҳамда келгусида мазкур шахслар олган даромади ва меҳнат стажы инобатга олинган ҳолда пенсия таъминоти ҳуқуқи-га эга бўлади;

**иккинчидан**, оилавий тадбиркорлик муносабатларида



## самараси туфайли ноҳақ судланган божхона ходими оқланди

Бундан ташқари 2004 йил 25 март куни соат 18:00ларда “М-412” русумли автомашинадан олинган тамаки маҳсулотлари Д.Абдулпаттаев ва А.Дадабоев номига расмийлаштирилиб, жиноят яширилгани ҳолатига А.Ашуровнинг умуман алоқаси йўқ. Чунки 8-сонли “Фаргона” божхона پوستида юритилган аниқланган қонунбузарликларни рўйхатга олиш китобига Д.Абдулпаттаевга 344.000 сўмлик 1680 кутти, А.Дадабоевга 315.000 сўмлик 1260 кутти тамаки маҳсулотлари тегишли эканлиги ҳақидаги ёзувлари Азим Ашуров киритмаган. Яъни ҳолат юз берган пайтда божхона ходимлари Фахриддин Мадаминов ва ҳозирда марҳум Дилшод Ашуров навбатчилиқда бўлиб, ҳар иккала шахснинг ҳуқуқбузарлигини улар расмийлаштиришган. Аммо тергов органи бутун айбловни А.Ашуровга юклаган. Ваҳоланки, Фаргона вилояти божхона бошқармаси томонидан 2007 йил 14 августда берилган маълумотномада Д.Ашуровнинг 2004 йил 16,17,18 январь ҳамда 25, 26 март кунлари постада хизматда бўлгани қайдланган. Қолаверса, Дилшод Ашуров 2004 йил 26 март кунли навбатчилиқни топиришда

юқоридаги ҳуқуқбузарлик юз бергани ҳақидаги билдирги билан пост бошлиғи Азим Ашуровга маълум қилган. Давлат божхона кўмитасининг 2000 йил 17 ноябрдаги “Божхона органилари фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти асослари тўғрисида”ги 416-сонли буйруғида божхона пости навбатчиси навбатчиликни топириш жараёнида “Навбатчиликни қабул қилиш, топириш китоби”га ёзма билдирги шаклида ёзувларни киритиб, божхона пости бошлиғига вазият ҳақида ахборот бериши белгиланган. Шунингдек, гувоҳлар Р.Якубов ва О.Мухторов ҳам ўз кўрсатмаларида чегара қўшинларидан иш ҳужжатлари божхона постига келиб тушган пайтда Азим Ашуров постада бўлмаганини тасдиқлашган.

Энди 2003 йил 25 декабрь кунли соат 11:30 ларда божхона қонунчилигини бузган ҳолда олиб қирилган 156.860 сўмлик чинни идиш-товоклар ҳуқуқбузар Р.Келдибековнинг ўзига қайтариб берилганига келсак, бу ишни пост суриштирувчиси Фахриддин Мадаминов бажарган. Яъни бу ҳолатдан ҳам А.Ашуровнинг умуман хабари бўлмаган.

Жиноят процессуал кодексининг

329-моддаси 2-қисмида терговга қадар текширув давомида ўтказилиши лозим бўлган ҳаракатлар ўз ифодасини топган. Мазкур ҳаракатлар қаторига намуналар олиш ва мулкларни баҳолаш киритилмаган. Шундай экан, жиноят иши Фаргона вилоят прокуратураси томонидан 2004 йил 7 август кунли қўзғатилгани ҳолда идиш-товоклардан намуна олиш ва баҳолаш ҳаракатлари 2004 йил 21 июль кунли – ҳали жиноят иши қўзғатилмасдан олдин ўтказилган. Энг таажжубланарли томони шундаки, баҳолаш ҳаракати умуман ваколати бўлмаган, 7 турдаги идиш-товоклардан 3 тасини кўрмаган шахс М.Аминов томонидан бажарилган. Бироқ судда М.Аминов гувоҳ тариқасида сўроқ қилинмаган ҳам. Бу ҳам қонун талабларини бузиш саналади.

Қолаверса, судда Ф.Мадаминовнинг маъмурий ҳужжатлар шахсий автомашинасида сақланганидан пост бошлиғи А.Ашуровнинг хабари бўлмагани ҳақидаги кўрсатмаси ҳам текширилмаган. Яъни суд бирон-бир шахс пост бошлиғи А.Ашуровнинг бунга дахли борлиги ҳақида кўрсатма бермаганини ёки бирон-бир далил мавжудлигига эътибор қаратмаган.

Давлат божхона кўмитасининг 2000 йил 17 ноябрдаги “Божхона органилари фаолиятининг ҳуқуқий таъминоти асослари тўғрисида”ги 416-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва ўша вақтда амалда бўлган Низом талабига кўра, божхона қонунчилигини бузиш ҳолати юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириб, “Шакл-2” китобига қайд қилиш пост нозирига, пост хизматидаги ҳужжатлар-

ни тўғри юритилишини назорат қилиш смена катта нозирига, шахсий таркиб хизматчиларига ҳужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўргатиш, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳал қилиш учун юборилган материаллар юзасидан солиштирмалар ўтказиш, пост китобларидаги амалга оширилган ишлар юзасидан киритилган ёзувларни ҳисобини олиб бориш пост катта суриштирувчисиға юклатилган.

Шу сингари бир қатор қонунбузилиш ҳолатларини инобатга олган ҳолда А.Ашуровга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини қонуний ва асосли деб бўлмайди. Инобат ҳам, Фаргона вилояти суди жиноят ишлари бўйича Куваоси шаҳар судининг 2005 йил 28 февралдаги ҳукмини бекор қилиб, Азим Ашуровни айбсиз деб тоғди ва оқлади.

Шунингдек, А.Ашуровга ўзига етказилган мулкий зиёни қоплаш, маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят процессуал кодексининг 304-312-моддалари тартибидеда бартараф қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Бундан ташқари Давлат божхона кўмитасининг 2023 йил 8 ноябрдаги буйруғига биноан, божхона хизмати майори Азим Ашуров божхона органилари тизимида ишга тикланди. Утган 18 йил муддат ҳам унинг умумий меҳнат стажига қўшилидиган бўлди.

Бу юртимизда адолатли ва инсонпарвар ислохотларнинг нечоғлиқ изчиллик билан амалга оширилаётганига ёрқин мисолдир.

**Бобохон ВАҲОБОВ,**  
Фаргона вилояти суди раиси ўринбосари

## Таҳлил ва тақлиф

# ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ҚЎЛЛАШ:

## муаммо ва ечим

### ◀ (Бошланиши 1-бетда)

Статистик маълумотларга кўра, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан шу йилнинг 9 ойи давомида 54936 нафар шахсга нисбатан 43217 та жиноят иши қўрилган бўлиб, шундан 6666 нафар шахсга Жиноят кодексининг 266-моддаси бўйича жазо тайинланган.

Уларнинг 5401 нафари ушбу модданинг 1-қисми бўйича айбдор деб топишган.

Бундан ташқари 4336 нафар шахсга тегишли жиноят ишлари Жиноят кодексининг 661-моддасига асосан ярашилгани муносабати билан туғтилган.

Ушбу кўрсаткич бу турдаги жиноятлар сони бошқа жиноятлар сонига нисбатан анчагина кўп миқдорни ташкил этишини кўрсатади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 266-моддасида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваргача миқдорда жарима ёки уч олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши назарда тутилган.

Амалиётда баъзи ҳолларда судланувчи маст ҳолда транспорт воситасини бошқариб, йўл-транспорт ҳодисасини содир этиши натижада жабрланувчи оғир даражадаги шикаст олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолаётгани кузатилади. Энг ёмони, айбдор қонун бўйича қонунда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо борлигини билгани ҳолда жабрланувчига умуман ёрдам бермайди. Суд унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганда жабрланувчи бундан норози бўлади.

Шуни инобатга олган ҳолда мазкур модданинг биринчи қисми санкциясига “уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш” жазо турини киритиш мақсадга мувофиқ. Бу ҳақда қурилиш соҳасидаги давлат хизматларини кўрсатишдаги мавжуд муаммолар ҳамда ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**  
Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенгели масалалари кўмитаси раиси



қисми қоидаларининг бир қанчасида “бир гушахслар томонидан” жиноят содир этилиши белгиланган. Бу қилмишни малакалашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Олий суд Пленумининг 2007 йил 27 июндаги “Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” қарори 16-бандида “Баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдидан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, тегишлича, Жиноят кодексининг 104-моддаси иккинчи қисми «к» банди, 105-моддаси иккинчи қисми «и» банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадидан биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак”, дея кўрсатилган бўлса, Олий суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори 20-бандида “Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўлаб содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятини Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми «п» банди билан квалификация қилинади. Бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса, унга ҳалок этувчи шикаст етказган). Қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган ҳамда жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатмаган, бироқ ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишига қўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 28, 97-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. Одам ўлдириш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топишдан тақдирда, жиноят бача иштирокчиларнинг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролдан қатъи назар, Жиноят кодексининг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади” деб белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг 29-моддасига “Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топиш учун олдидан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, икки ва ундан ортиқ шахс жиноят содир этиш мақсадидан биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда бажарувчи сифатида қатнашган бўлиши керак” деган янги қоида киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бу қонун устуворлигини таъминлаш баробарида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони тайинлаш кўрсаткичини камайитишга хизмат қилади. Энг муҳими, тақлиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар келгусида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, тергов ва суд жараёнида бундай турдаги жиноятларни тўғри ва аниқ малакалаш орқали айбдор шахсларга адолатли жазо тайинлашга асос бўлиши шубҳасиз.

**Шерзод АБДУҚОДИРОВ,**  
Жиноят ишлари бўйича Ўқуқ тўғрисида суди раиси, юридик фанлар доктори

